

**Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич** – Ўзбекистон Республикаси Банкмолия академияси Малака ошириш факультети декани, и.ф.н., доцент.

**Қисқача аннотация.** Ушбу мақолада ҳудуд салоҳияти тушунчаси ва унинг талқини бўйича мулоҳазалар ўрин олган. Ушбу соҳада тадқиқотлар олиб борган олимларнинг қарашлари қиёсий ўрганилган ва муаллифнинг шахсий қарашлари баён этилган. Шунингдек, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини интеграл баҳолаш усусларига тўхталингани ҳолда, унинг ижобий ва салбий томонлари таҳлил этилган.

Шу билан бирга, ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий тизими бозор инфратузилмаси билан боғлаган ҳолда тушунирилган. Олимларнинг қарашларига муаллифлик нуқтаи назари билан жузъий баҳолар берилган. Чунончи ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашга вазифаларнинг мазмунмояхияти келтирилган.

**Таянч сўзлар.** Ҳудуд салоҳияти. Ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти. Ижтимоий нафлик. Комплекс ёки интеграл баҳолаш. Ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини интеграл баҳолаш. Ҳудудларнинг қутбли ривожланиши. Ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш фазалари. Ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий тизими. Ҳудуднинг бозор инфратузилмаси. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар.

**Краткая аннотация.** В статье имеет место рассуждения о понятии регионального потенциала и его интерпретации. Проведено сравнительное изучение различных взглядов учёных и изложены личные взгляды автора по данной теме. Кроме того, наряду с изучением методов интегральной оценки социально-экономического потенциала территорий, проведён анализ их позитивных и негативных сторон.

Вместе с тем, объяснена связь социально-экономической системы территории и рыночной инфраструктуры. Приведены субъективные оценки автора на взгляды учёных. Так, приведены характер и содержание задач, направленных на социально-экономическое развитие территорий.

**Ключевые слова.** Потенциал региона. Экономический потенциал региона. Социальная полезность. Комплексная или интегральная оценка. Интегральная оценка экономического потенциала региона. Полярное развитие регионов. Фазы производства и воспроизводства. Социально-экономическая система региона. Рыночная инфраструктура региона. Товары с высокой добавленной стоимостью.

**Short abstract.** The article discusses the concept of regional capacity and its interpretation. In addition, it provides comparative study of different scientific view and author's personal views on the subject. Along with the study of methods of integrated assessment of the socio-economic potential of regions, there had been conducted an analysis of their positive and negative sides.

At the same time, it explains the relationship of socio-economic system of the territory and market infrastructure. The article provides subjective assessments of the author on scientists' views. Thus, it provides an insight into the nature and content of tasks aimed at socio-economic development of territories.

**Keywords.** Regional capacity. The economic capacity of the region. Social utility. Complex and integrated assessment. Integrated assessment of the economic capacity of the region. Polar development of regions. The phases of production and reproduction. Socio-economic system of the region. Market infrastructure in the region. Products with high benefit.

## **Худудларнинг салоҳиятини аниқлашнинг услубий жиҳатлари**

Умум қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва унинг имкониятлари у ерда мавжуд бўлган барча мажмуавий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ҳаётий зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқариш билан белгиланади<sup>1</sup>. Шундай экан ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти у ерда мавжуд бўлган тизимий элементлар, яъни ишлаб чиқариш фонdlари, меҳнат ресурслари назарда тутилади ва иқтисодий салоҳият эса маъурий-иктисодий ҳудуднинг иқтисодий (бозорли) имкониятини юзага келтиради. Бу ерда ҳудуд неокласик назарияга кўра стационар мувозанатни таъминлашга хизмат қиласидиган буғун сифатида бўлиб, иқтисодий салоҳиятнинг ривожланишини эса ишлаб чиқариш омиллари (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти) таъминлайди<sup>2</sup>.

Ҳудуд салоҳияти тушунчаси шунинг билан бирга, ҳудуднинг таркибий элементларини юзага келтирувчи салоҳиятлар тизимидан иборат. У ялпи иқтисодий салоҳият дея эътироф этиладиган: табиий-ашёвий, моддий, илмий-техникавий, институционал ва инсоний салоҳиятларнинг йифидисидан ташкил топади<sup>3</sup>.

Ушбу фикрларни мулоҳаза қилган ҳолда таъкидлаш лозимки, бу ерда асосий эътибор ялпи иқтисодий салоҳиятни ҳудуднинг мажмуавий ривожланишини ҳамда ҳудуднинг иқтисодий мувозанатлигини таъминлашга хизмат қиласидиган миқдорий ва сифат жиҳатдан бир бутун тизим сифатида қарааш лозимлигига қаратилмоқда.

Айрим иқтисодчи олимлар салоҳиятнинг табакаллашган характерга эга эканлигини ва иқтисодий тизим сифатида қарааш лозимлигини таъкидлаш асносида иқтисодий тизим салоҳиятини бешта турли хил қараашлар орқали ўрганиш лозимлигини баён этадилар<sup>4</sup>:

1. Иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш имконияти. Бунда ишлаб чиқаришда иштирок этадиган иқтисодий ресурслар, яъни меҳнат ва моддий ресурсларнинг турли хилдаги нисбатларини назарда тутувчи Кобба-Дуглас функциясига эътибор қаратилади. Ушбу қарааш орқали ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятига мавжуд ресурслардан максимал фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш ва яратиш мумкин бўлган товар ва бойликларнинг ялпи қийматига баҳо берилади. Иқтисодий салоҳиятнинг натижасига келадиган бўлсак, сарф қилинган барча моддий, меҳнат ресурсларининг умумий қиймати ва ҳосил бўлган бойлик ўртасидаги самарадорлик кўрсаткичига қараб баҳо берилади.

2. Маълум бир аниқ мақсадли товар ва хизматларга (бойликка) эришиш учун сарфланган ресурслар ёки ишлаб чиқариш функцияси. Бу ҳам миқдорий кўрсаткич бўлиб, бунда аниқ бир қийматга эга бўлган моддий бойликни ишлаб

<sup>1</sup> Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифанов А.Ю. Типология регионов как инструмент соорганизации регионального развития // Вестник Том. гос. ун-та. Экономика. № 331. С. 126-131.

<sup>2</sup> Шлычков В.В. Экономические механизмы управления ресурсным потенциалом // Вестник экономики, права и социологии. № 2. 2007.

<sup>3</sup> Балацкий О.Ф. Теоретические проблемы оценки экономического потенциала региона, компаний, предприятия // Вестник Сумского гос. Ун-та. Экономика. 2004. № 9 (68). С. 84-95.

<sup>4</sup> Бияков О.А. Теория экономического пространства: методологический и региональные аспекты. – Томск. Изд-во Том. Гос. Ун-та, 2004. – 152 с.

чиқариш ва уни яратиш учун сарфланиши кутилаётган ишлаб чиқариш ресурсларини турли комбинацияларда фойдаланган ҳолда, ресурсларнинг микдори ва сарфини минималлаштиришга қаратилади. Яъни, ишлаб чиқариш ресурсларидан шундай нисбатда фойдаланиш лозимки, натижада яратилиши кутилаётган товар хизматларнинг ҳажми максимал қийматни ташкил этиши назарда тутилади.

3. Хўжалик фаолиятида ижтимоий нафлик пулнинг эквиваленти сифатида баҳоланиши (иктисодий фаолиятни объектив баҳолашда риск юзага чиқади).

4. Хўжалик тизимининг фаолият юритиши натижасида олинадиган ялпи ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муҳим натижалар (уларнинг аҳамиятлилик даражасини ва ўзаро боғлиқ бўлган муносабатларни аниқлашда риск юзага чиқади).

5. Комплекс ёки интеграл баҳолаш, алоҳида олинган тармоқларнинг ўсишини эластик баҳолаш, ҳудуднинг ялпи ресурс салоҳияти, жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги ва бошқа ўзаро боғлиқ бўлган макроиктисодий кўрсаткичлар.

Шуни қайд этиш жоизки, ҳудудларнинг маъмурий-иктисодий бошқаруви сиёсатини юритишда иктисодий салоҳият оқибат сифатида қаралади ва ундан самарали фойдаланиш билан ҳудуднинг келажакдаги мавқеи аниқланади. Шунинг учун ҳам ҳудудларни бошқаришда иктисодий салоҳиятни тўғри баҳолаш ва ундан дастак сифатида иктисодий сиёсатни тўғри олиб бориши мухимдир.

Ушбу ички имкониятларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, давлат томонидан ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий дастурлар амалга оширилиб келинади. Бизнинг фикримизча, айнан, эндоген омиллар ҳудуднинг иктисодий ривожланишини таъминлашда муҳим ҳисобланади, аммо шу билан бирга, ҳудуднинг геоиктисодий жойлашувини ҳам эсдан чиқармаслик ва уни инобатга олиш лозим ҳисобланади.

**Ҳудуд ва унинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган турли қарашлар.** Охирги ўн йилда олимлар томонидан ҳудуднинг ривожланишини жой ёки маконнинг шарт-шароитидан келиб чиқиб, “ҳудуднинг мекансал (фазовий) салоҳияти” деб тадқиқотлар олиб борилмоқда. В.П.Ефимовнинг таъкидлашича, “..агарда ҳудуднинг ривожланиши шу ерда мавжуд бўлган ресурсларни мекансал-ҳудудий ва тармоқлараро интеграция асосида тақсимланадиган бўлса, у ҳам иктисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан самара беради”<sup>5</sup>.

Бунинг учун тадқиқотчи олим ҳудуднинг ривожланишини таъминлашнинг замонавий йўлларини таклиф этади: кластер усули, иктисолиётни диверсификациялаш орқали рағбатлантириш; ҳудудлараро ички

<sup>5</sup> Ефимов В.П. Пространственный потенциал – основа развития региона в качестве целостного социально-экономического комплекса: Автореф. Дис....канд. экон. Нук. М., 2006. URL: <http://rudocs.exdat.com/docs/index-177000.html>

алоқаларни кучайтириш ва ички бозорни йўл-транспорт инфратузилмаларини ишга тушириш орқали ривожлантириш, ички имкониятлардан ва маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда, ижтимоий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш; инвестицион дастакдан унумли фойдаланган ҳолда, инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш усуллари.

Шунингдек, олим асосий ургуни худуднинг инфраструктурасини комплекс ривожлантиришга, тизим ҳосил қиласиган тармоқларни қўллаб-қувватлашга ва худуднинг ички ресурсларини (салоҳиятини) шу соҳага йўналтириш орқали у ерда истиқомат қиласиган аҳолининг иш билан бандлиги, даромад манбай ошишини ва табақаланишнинг олдини олиниши мумкинлигига қаратади.

Яна бир қатор олимлардан А.А.Зиновева эса худудларни қутбли ривожланишини таъкидлагани ҳолда, субъектив ва объектив омилларни келтириб ўтади. Биринчи омилга қўйидагиларни киритади: худудларнинг табиий географик фарқланиши, иқтисодий ресурслар билан таъминланганлик, худуднинг технологик жиҳати ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, худуднинг иқтисодий жиҳатдан фарқланиши. Иккинчи омилга – институционал, инфратузилмавий ва ташкилий-функционал детерминантлар; худуднинг анъана ва урф-одатлари; мавжуд бўлган йирик корпоратив тузилмаларни киритган.

Худудда мавжуд бўлган масканлар (туман, шаҳар, шаҳар типидаги посёлкалар, овуллар. Изоҳ Ш.М) “марказ-марказдан узоқ бўлган маскан” ўртасидаги фарқланиш, яъни қутбланиш дея тахлил қилишни ва кейинчалик эса улар ўртасидаги тоғовутларнинг юқолиши оқибатида бир бутун иқтисодий макон сифатида қараш лозим эканлигини таъкидлайди<sup>6</sup>.

Ушбу соҳада олиб борилган тадқиқотлар ичida олим О.А.Бияков конструктив ёндошгани ҳолда, илмий-назарий ва илмий-услубий жиҳатдан масаланинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Унинг тадқиқотида асосий эътибор жамиятда ривожланишнинг постиндустриал босқичида ишлаб чиқариш омиллари ўзининг маконли аҳамиятини юқотиб боради ва худудий жиҳатдан бир-бири билан унчалик ҳам боғлик бўлмайди. Бу эса Й.Шумпетер<sup>7</sup> томонидан айтиб ўтилган ишлаб чиқариш омилининг тўртинчи элементидан кейинги ишлаб чиқаришнинг бешинчи мустақил элементини намоён эта бошлайди<sup>8</sup>.

О.А.Бияковнинг «маконий салоҳият» тушунчасини ривожлантирган олимлар О.Л.Тарана, Е.Н.Акерман, А.А.Михалчук ва А.Ю.Трифонова ўзларининг назарий тадқиқотларини кенг кўламда олиб бордилар. Улар томонидан маконий салоҳиятнинг иқтисодий маъноси иқтисодиёт фанининг анъанавий усулда, яъни макроиқтисодий ва микроиқтисодий алгоритмларга

<sup>6</sup> Зиновьева А.А. Экономические проблемы регионов и отраслевых комплексов // Проблемы современной экономики. 2011. № 4.

<sup>7</sup> Й.А.Шумпетер. История экономического анализа. СПб.: Экономическая школа, 2004. 1666 с.

<sup>8</sup> Бияков О.А. Региональное экономические пространство: измерение использования потенциала: Автореф. Дис.д-ра экон. Наук. Кемерово, 2005. – 42 с.

таянган ҳолда минтақани – квазидавлат ва/ёки квазифирма тарзида таҳлил этиш таклифини илгари сурушди.

Бунда салоҳият минтақа хўжалигининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини таъминлайдиган шароит ҳамда минтақа рақобатбардошлигини халқаро меҳнат тақсимотида юқорига кўтарувчи геоиктисодий субъект сифатида таҳлил этилади.

Макроиктисодий жиҳатдан худуднинг салоҳиятига баҳо берилганда кўпинча миллий иқтисодиёт билан бир хил бўлган параметрлар: ЯҲМ (ялпи худудий маҳсулот) динамикаси, товар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича тақсимоти, нарх, бандлик даражаси, инвестициялар ва х.к. Булар худудий иқтисодий тизимнинг макроиктисодий, яъни юқорида қайд этилган статистик кўрсаткичларнинг агрегатлашганлиги ва миллий иқтисодиётда худуднинг тутган ўрнини қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Микроиктисодий даражада эса, одатда алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъект (фирма), корхоналар ва уй хўжаликларининг иқтисодий фаолияти таҳлил этилади. Бу ерда худуд квазикорхона сифатида кўрилиб, унинг ривожланиш салоҳияти шу худудда фаолият олиб бораётган корхоналарнинг йиғиндиси билан белгиланади. Ушбу қарашларни давом эттириб, худуднинг ижтимоий-иктисодий тизимини бозор инфратузилмаси билан ўзаро боғлаган ҳолда тасвирилаш мумкин.

Ушбу ўринда иқтисодий такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда худуднинг иқтисодий салоҳиятидан максимал фойдаланиш, хусусан барча моддий ишлаб чиқариш, меҳнат ресурсларини жалб этишда инвестициялар оқими ва уни самарали йўналтириш бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилини амалга оширамиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир худуднинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши капитал ва меҳнат ресурсларининг салоҳиятига, ундан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Мамалакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши бўйича эълон қилинган ҳисботларда 2015 йилда иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 15 миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш обьекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди<sup>9</sup>.

Худуднинг ижтимоий-иктисодий тизимини акс эттирувчи расмда изоҳланганидек, иқтисодиётда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (иктисодий фазалар назарда тутилмоқда), глобаллашув шароитида корхона ва фирмаларнинг рақобатдошлигини ошириш, товар ва

<sup>9</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чукурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2016.

хизматларнинг истеъмолчиларга керакли ҳажмда етиб боришини таъминлашда инвестициялар алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, тасарруфдаги даромадлар миқдори қўпайиб бориши билан унинг таркибидаги истеъмол улуши камайиб, аксинча жамғарма улуши қўпайиб боради. Бу ҳолатни Дж.М.Кейнснинг “асосий психологик қонун”и билан қўйидагича изоҳлаш мумкин: “...бизнинг инсон табиатини яхши ўрганганимиз ва билишимиз, шунингдек инсонларнинг ўтмиш тажрибасини синчиклаб таҳлил қилиш асносида ишонишимиш лозим бўлган асосий психологик қонун шундан иборатки, кишилар даромадлари ўсиши билан ўз истеъмолларини оширишга мойилдирлар, аммо даромадлари ўсган даражада эмас”<sup>10</sup>.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш учун қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ хисобланади:

- индустрисларда даражаси суст ривожланган худудларда, асосан бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш;
- худудларда юқори технологияларга асосланган ва инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилиши жадаллаштириш;
- саноатнинг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ривожлантиришда ишчи кучи сифати ва инженер-техник ходимларга бўлган талабни кучайтириш;
- юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида чуқур изланишлар ва амалий ишларни фаоллаштириш;
- ишлаб чиқаришга янги ғоя ва технологияларни жорий этиш ва уни кенг тарқатишида молиялаштиришнинг турли усулларидан фойдаланиш.

---

<sup>10</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. М., 1978.